

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

АШУРОВА ХУРШИДА САҒДУЛЛАЕВНА

**САМАРҚАНД ЖАДИДЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
ҚАРАШЛАРИ
(XX асрнинг биринчи чораги)**

09.00.03 - Фалсафа тарихи

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Ашурова Хуршида Сағдуллаевна Самарқанд жадиdlарининг ижтимоий-сиёсий қарашлари (XX асрнинг биринчи чораги).....	3
Ашурова Хуршида Сағдуллаевна Социально-политические взгляды джадидов Самарканда (первая четверть XX века).....	21
Ashurova Khurshida Sag'dullayevna Socio-political perspectives of Samarkand jadids (first quarter of the 20 th Century)	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати List of publications Список опубликованных работ.....	43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

АШУРОВА ХУРШИДА САҒДУЛЛАЕВНА

**САМАРҚАНД ЖАДИДЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙИЙ-СИЁСИЙ
ҚАРАШЛАРИ
(XX асрнинг биринчи чораги)**

09.00.03 - Фалсафа тарихи

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Fal30 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шодиев Рустам Тохирович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сафарова Нигора Олимовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Хўжаев Мумин Исохонович
фалсафа доктори (PhD), фалсафа.ф.б.

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалари берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “___” _____соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.:(8366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертацияси билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (8366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40).

Диссертация автореферати 2020 йил “___” _____кунида тарқатилди.
(2020 йил “___” _____даги ___рақамли реестр баённомаси).

С.К.Каримов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Х.А.Джуракулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа доктори (PhD), фалсафа.ф.б.

С.А.Чориев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон фалсафий тафаккури тараққиёти тарихидан маълумки, вужудга келган маънавий-ахлоқий онгнинг ўзгариши оқибатида ёш авлодни мафкуравий, ғоявий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва аждодлар томонидан яратилган маънавий меросни ўрганиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир. Аждодлар ижтимоий-сиёсий таълимотларидан фойдаланиш минг йиллар давомида ижтимоий ҳаётни таназзулга учрашидан, турли маънавий таҳдидлардан ҳимоялаб келган. Хусусан, мутафаккирларнинг маънавий мероси таълим-тарбия жараёнида баркамол авлоднинг фалсафий тафаккурини шакллантиришда асосий манбалардан ҳисобланади.

Жаҳон илм-фанида буюк мутафаккирларнинг маънавий меросини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш янгидан янги илмий тадқиқотлар олиб боришга сабаб бўлмоқда. Жумладан, бугунги кунда жамиятни маънавий таҳдидлардан ҳимоялаш, ёш авлоднинг ғоявий-фалсафий онгини юксалтириш ва мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга илмий-концептуал ёндашиш давр талаби сифатида намоён бўлмоқда. Айниқса, ёшларнинг маънавий дунёқарашини юксалтиришда мутафаккирларнинг маънавий-илмий меросини замонавий аксиологик, мантиқийлик ва сиёсий-фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ этиш муҳим зарурий тадқиқот объекти бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида буюк алломалар ва мутафаккирларнинг илмий, маънавий мероси ёшларда ватанпарварлик, собитқадамлик, бағрикенглик, маънавий огоҳлик, гуманизм, баркамол инсонни тарбиялашдаги конструктив аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Самарқанд тупроғида вояга етган Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдуқодир Шакурӣ, Сиддиқӣ-Ажзий, Ҳожи Муин, Абдулҳамид Мажидий сингари ўнлаб маърифатпарвар фидойиларнинг қолдирган ўлмас мероси бугунги кунда ҳам маънавиятимизни юксалтириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялашда муҳим манба”дир.¹ Шу боис буюк алломалар томонидан илгари сурилган жамият тараққиёти ва унинг маънавий қиёфасини юксалтиришга қаратилган илғор ғоялар муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, Самарқанд жаҳидларининг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий ва фалсафий қарашларини замонавий нуқтаи назардан ўрганиш бугунги куннинг объектив заруратидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий

¹ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халкимиз билан бирга курашимиз. - Тошкент. Ўзбекистон. 2017. 178-бет.

ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жадиличиликнинг ижтимоий моҳияти, илмий-фалсафий мероси каби масалалар шарқу-ғарб олимлари томонидан тадқиқ этилган. Адиб Холид, А.Беннингсон, Марко Буттино¹, Э.Лаззериани, Э.Олворт, И.Балдауф, Х.Коматсу, Тураж Атабаки, Шанталь Келькежи, каби чет эллик олимлар томонидан жадиличиликнинг майдонга келиш шарт-шароитлари, миллий озодлик ҳаракатлари, хотин-қизлар озодлиги каби масалалар ўрганилган.

МДХ мамлакатлари ҳудудидаги А.Х.Басырова², Н.У.Гафаров, Д.Усманова, О.Сайфуллаев, А.Мираҳмедов, И.Нуриллин, А.Манизов, Р.Ходизода, М.Шукуров каби олимлар тадқиқотларида жадиличиликнинг адабий ва тарихий моҳияти алоҳида ўрганилганлигини таъкидлаш керак.

Ўзбекистонлик олимлар М.Бозоров, Э.Воҳидов, А.Жалолов, Х.Исматуллаев, Қ.Назаров, Г.Маҳмудова, Э.Каримов, А.Курахмедов, Ҳ. Зиёев, М.Фаттаев, О.Файзуллаев, Ж.Яхшилик³, А.Зоҳидий, Қ.Ражабов, Р.Шодиев, Р.Шарипов, Э.Юсупов, Б.Қосимов, С.Қосимов, ва бошқа бир қатор олимлар томонидан жадиличиликнинг файласуф, адабиётшунос ва тарих нуқтаи назардан тадқиқ этилган. Мазкур тадқиқотларда жадиличиликнинг тарихий-ижтимоий аҳамияти, фалсафий масалаларни тўғри таҳлил этиш, миллий озодлик ҳаракатларини тўғри баҳолаш кўндаланг кўйиб ёритилган бўлса, кейинги йилларда Самарқанд олимлари томонидан бир қанча илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. 1996 йил “Туркистон жадиличилиги ва истиқлол муаммолари” илмий мақолалар тўпламида уларнинг туркум илмий мақолалари чоп этилди. Жумладан, тўпламда профессор Р.Т.Шодиев “Самарқанд жадиличилигининг ижтимоий-фалсафий қарашлари” номли илмий мақоласида бир қатор янги фикрларини бериб ўтган.

Мустақиллик йилларида ушбу мавзунини ўрганишга бағишланган бир қанча илмий тадқиқотлар олиб борилган ва диссертациялар ҳимоя қилинган. 1995 йилда “Туркистон жадиличилигининг маърифий фаолияти (XIX аср охири - XX аср боши)” номли диссертация А.М.Худайқулов томонидан ҳимоя қилинди, унда жадиличиликнинг пайдо бўлишининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий омиллари ўрганилган, жадиличиликнинг маърифий фаолиятининг асосий йўналишлари ва ўрни кўрсатиб берилди. Туркистонда

¹ Le reformisme musulman en Asie Centrale, Cahiers du Monde Russe, Volume XXXVII (1-2), janvier d'uin 1996, 242 с.

² Басыров А.Х. Джадидизм: социально-философский анализ. Автореферат дисс. канд. фил. Наук. Уфа. 2009.

³ Яхшилик Ж.Я., Убайдуллаева Н. Жадиличилик ва Бехбудий. -Тошкент. “Фан” нашриёти, 2004. 187 бет.

матбуот-нашриёт соҳасининг шаклланиши ва ривожланишида жадидларнинг фаол ўрни ва роли ўрганилди. Д.Т.Амридинова 2006 йил “Самарқанд жадидчилигининг ижтимоий-фалсафий моҳияти”¹ номли номзодлик диссертациясида Самарқанд жадидчилигининг ижтимоий-фалсафий мероси таҳлил қилиниб, илмий хулосалар баён этилган. Бироқ, уларда Самарқанд жадидларининг сиёсий қарашлари бугунги ёшлар ижтимоий позициясини шакллантиришда ушбу маънавий мероснинг тарбиявий аҳамияти тўлалигича ўрганилмаган. Мазкур тадқиқотда самарқандлик жадидларнинг амалий фаолиятларида намоён бўлган ва ёшларни мустақил ҳаётини позицияларга эга бўлган баркамол шахс қилиб тарбиялашга оид ижтимоий-сиёсий ғояларни тадқиқ этишга эътибор қаратилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида баркамол ривожланган шахсни шакллантириш муаммоларини комплекс тадқиқ этиш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Самарқанд жадидларининг Туркистон ўлкаси халқлари маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий юксалишидаги ўрнини тарихий-фалсафий нуқтаи-назардан очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи чорагида Туркистонда вужудга келган жадидчилик таълимотининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва фалсафий моҳияти таҳлили натижалари асосида, минтақада янгилаш жараяни содир бўлганлиги ва озодлик ғояларини тадқиқ қилиш;

Самарқанд жадидларининг илмий меросида миллий таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган ислохотларнинг илмий-методологик асосларини очиқ бериш ва ватанпарварлик туйғуларининг мантикий исботининг фалсафий таҳлиliga объектив ва холисона баҳо бериш;

Самарқанд жадидларининг фаолиятларида акс этган миллат ва унинг тарихига бўлган муносабатлар янги шаклда акс этганлиги боис, фактик материалларни асослаш ва маърифатпарварлик, жадидчилик тизимидаги мавқеи ва ўрнини тадқиқ қилиш;

Самарқанд жадидлари, жумладан Сиддиқий Ажзий, Маҳмудхўжа Бехбудий, Ҳожи Муин, Сайид Ризо Ализода ва Вадуд Маҳмудларнинг илмий меросининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий асослари, унга эришишнинг омиллари ва воситалари ҳақидаги қарашларини ўрганиш;

Дастлаб “Ёш бухороликлар” жадидчилик ҳаракатининг фаол аъзолари бўлиб, кейинчалик Самарқанд шароитида яшаб ижод этган Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат каби фидоийларнинг асарларидаги ижтимоий-сиёсий қарашлари ҳам маълум даражада таҳлил қилиш;

¹Амридинова Д.Т. Самарқанд жадидчилигининг ижтимоий-фалсафий моҳияти. Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация Автореферати. -Тошкент. 2006 йил.

Самарқанд жадиждарининг ёш вакилларида Исматулла Раҳматуллаев ва Абдулхамид Мажидийнинг ижтимоий-сиёсий қарашларида ёшларни маърифатли қилиш орқали озодлик ғоясини мустаҳкамлаш позицияси, миллий мафкурамиз назарий асосларини бойитишда келажак авлод онгида инсонпарварлик, ватанпарварлик, байналминаллик, бағрикенглик тўйғуларини шакллантиришидаги аҳамиятини ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти Самарқанд жадиждарининг ижтимоий-сиёсий, фалсафий мероси.

Тадқиқотнинг предмети Самарқанд жадиждарининг ижтимоий-сиёсий таълимотаридаги мустақилликни ғоявий-амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга оид ёшларнинг фаол ҳаётий позицияни шакллантирувчи хусусиятларини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тарихий объективлик нуқтаи-назаридан қиёсий-тарихий таҳлил, ворисийлик, анализ ва синтез, индукция, дедукция, даврлаштириш, таснифлаш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Самарқанд жадиждарининг илмий меросида миллий таълим тизимини модернизациялаштириш (шахснинг қобилятини, дунёқарашини, ўстириш ва такомиллаштириш)га йўналтирилган ислохотларнинг бугунги кундаги креатив, рақобатбардош кадрларни тарбиялашга боғлиқлиги мантиқий жиҳатдан асосланган;

жадиждарининг таълимотидаги миллий озодлик ғояларининг ҳозирги глобал таҳликали замонда миллий-ҳуқуқий давлатчиликни ривожлантиришдаги заруратининг тарихий илдизлари (мафкуравий, сиёсий, ижтимоий, гуманистик) давр характери орқали аниқланган;

Самарқанд жадиждарининг ижтимоий-сиёсий фаолиятида акс этган маърифатпарварлик концепциялари миллий мустақиллик ғоялари тараққиётига ҳалақит бераётган консерватив, реакцион ходисаларнинг олдини олишда муҳим восита эканлиги исботланган;

ёшларнинг илмий дунёқарашини ривожлантириш, уларда фаол ижтимоий позицияни шакллантириш ва миллий ўзликни англашда Самарқанд жадиждарининг қолдирган умуминсоний ғояларга бой маънавий меросининг тарихий ворисийликни ривожлантирувчи моҳияти очиқ берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Самарқанд жадиждарининг маънавий меросида ватанпарварлик ғояларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг ёшлар камолотида тутган ўрнини чуқурроқ англаб етишга қаратилган ғоялардан ўқув семинарларда амалий фойдаланиш зарурияти асосланган;

Самарқанд жадиждарининг ижтимоий-сиёсий қарашларининг янги қирраларини ўрганиш натижасида, уларнинг ҳозирги даврда мамлакатимизда фуқаролик, демократик, адолатпарвар жамият қуришдаги назарий ва амалий аҳамияти аниқлаштирилган;

Ватанимиз тараққийетини таъминлаш асоси бўлган баркамол авлодни тарбиялашда Самарқанд жадиidlари ижтимоий-сиёсий қарашларининг фалсафий аҳамияти юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, баркамол авлодни тарбиялашда ва ёшларнинг илмий салоҳиятини оширишда, ижтимоий-сиёсий ғоялар, назарий умумлашмалар тарихий-фалсафий, илмий-маънавий-фалсафий билимларни чуқурлаштириш ғояларини етказишда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва ғоялардан фалсафа, фалсафа тарихи, маънавият фалсафаси, фуқаролик жамияти, этика, педагогика, диншунослик фанларидан ўқув қўлланма ва дарсликлар ишлаб чиқишда ҳамда жадиidlарнинг маънавий мероси билан қизиқувчилар учун тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда асосий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Самарқанд жадиidlарининг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий таълимотини илмий тадқиқ қилиш бўйича ишлаб чиқилган тавсия ва таклифлар асосида:

Самарқанд жадиidlарининг илмий меросида миллий таълим тизимини модернизациялаштиришга қаратилган ислохотларнинг ғоявий зарурияти мантикий жиҳатдан асослаб берилган фалсафий хулосаларидан Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг “Маҳаллаларда ва оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ва аниқланган муаммоларни ҳал этиш борасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш” Концепциясини ва “Худудда жинойтчиликнинг олдини олиш, уларни содир этилиши сабаблари ва шарт-шароитларини муҳокама қилишни ташкил этиш тўғрисида”ги Низомни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг 2019 йил 26 июлдаги 02-03/486-сон маълумотномаси). Натижада, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, маҳалла институтини аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айлантириш, фуқаролар йиғинларининг муштарак манфаатларини ифода этадиган уюшмага бирлашиш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ҳамда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришда илмий назарий манба сифатида хизмат қилган;

жадиidlар дунёқарашининг ўзига хослиги ва ёшлар таълим тарбиясига оид бунёдкор ғояларидан глобал таҳликали замонда зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олиш, ёшлар орасида маънавий мерос,

миллий ғоя, маънавий тараққиёт ва аждодларимизни ва маънавий мероси тарғиботига қаратилган таклиф ва тавсияларидан Республика Маънавият ва маърифат марказининг “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзолари ва барча тарғиботчиларга мўлжалланган қўлланмани тайёрлашда ҳамда Буюк алломаларимиз машҳур асарларининг қисқача шарҳи ва мазмунини очиб берувчи Мобил илова яратиш ва ишга тушуришда кенг фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 30 майдаги 02/09-668-19-сон маълумотномаси). Натижада, юртимизда етишиб чикқан буюк шахслар, давлат арбоблари ва алломаларнинг хаёти ҳамда улар қолдирган маънавий мерос, нодир қўлёзмаларни асраб авайлаб келгуси авлодларга етказишга хизмат қилган;

Самарқанд жадидларининг ижтимоий-сиёсий фаолиятида акс этган маърифатпарварлик концепциялари миллий мустақиллик ғоялари тараққиётига ҳалақит бераётган консерватив, реакцион ходисаларнинг олдини олишда муҳим восита эканлигига оид илмий таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқ марказий кенгаши томонидан 2019 йил март ойида республика миқёсида ўтказилган “Буюк аждодлар меросини ўрганиш” дастури сценарийсини тайёрлашда ва ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2019 йил 28 майдаги 04-13/2504-сон маълумотномаси). Натижада, республикамиз ёшларининг миллий кадриятларга ва маънавий меросимизга бўлган муносабатларини юксалтиришга хизмат қилган;

ёшларнинг илмий дунёқарашини ривожлантириш ва уларда фаол ижтимоий позицияни шакллантиришда Самарқанд жадидларининг конструктив (бунёдкорлик) ғоялари долзарб аҳамиятга эга эканлигига доир илмий, амалий ва методологик ғоялари, таклиф ва тавсияларидан Самарқанд вилоят телерадиокомпанияси томонидан 2019 йил 29 октябрь куни эфирга узатилган “Таълим ва тараққиёт” кўрсатувини навбатдаги сонининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2019 йил 6 ноябрдаги 09-02/292-сон маълумотномаси). Натижада, аҳолининг айниқса ёшларнинг тарихий тафаккурини шакллантириш ва маданий савиясини ўстиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 5 та халқаро ва 6 та илмий-амалий анжуманида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан 1 та монография ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола (жумладан, 3 та республика ва 1 та хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 141 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “Кириш” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишлари, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси ҳамда унинг хорижий илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти ёритиб берилган.

“Самарқанд жадиличлик таълимотида ижтимоий-сиёсий қарашларнинг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган биринчи бобда фалсафий тафаккур тараққиёти тарихида содир бўлган ҳар бир ҳодиса сингари, жадиличликнинг ҳам вужудга келиши учун ижтимоий сабаблар мавжуд бўлди. Хусусан, жадиличлик ҳаракати XIX асрнинг охири XX аср бошидаги шарт-шароит билан боғлиқ. Чор Россияси томонидан босиб олинган Туркистонда миллий-озодлик ҳаракати ўзининг жадиждлар номи билан тарих саҳнасига олиб чиқди. Миллий истибдод занжирига тушган халқ ва элатлар қудратли империя чангалидан фақат бирлашиб ҳаракат қилгандагина қутилиши мумкин эди. Жадиличлик¹ ҳаракати, аввало, сиёсий оқим сифатида вужудга келди. Шу мақсадда жадиждларнинг фаолиятлари Туркистоннинг барча ҳудудларида намоён бўла бошлади. Бундай ҳаракатлар Самарқандда ҳам ўзининг амалий фаолиятини кўрсатди.

Бу янги ғояларни амалга ошириш борасида Самарқанд жадиличлик мактаби вакиллари бўлган Сиддиқий-Ажзий, Маҳмудхўжа Бехбудий, Хожи Муин, Сайид Ризо Ализода, Вадуд Маҳмуд, Исмагулла Раҳматуллаев Абдулҳамид Мажидий каби бир қанча зиёлилар жонбозлик кўрсатдилар. Хусусан, жадижд намояндаларидан Маҳмудхўжа Бехбудий, болаларга диний ва дунёвий илм бериш билан бирга, миллат фарзандларини замонавий илм олиш учун тараққий топган мамлакатлардаги ўқув юртларига юбориш керак, деган ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан ўта муҳим масалани ўртага ташлади.

Самарқанд жадиждлари турмушдаги қоқоқлик, илмсизлик, ғариб ва қашшоқ холатлардан фақат миллий онгни шакллантириш орқали халос бўлиш мумкинлигини ижтимоий фаол ҳаракатлари натижасида ўзларининг асарлари, газета ва журналлардаги чиқишлари орқали таъкидлайдилар. Тарихдан яхши маълумки, Бехбудий: “Ҳақ олинур, берилмас. Ҳар миллат ва мамлакат халқи ўзининг ҳуқуқи, дини ва сиёсатини ҳаракат ва иттифоқ ила бошқалардан олади... Биз мусулмонлар, хусусан, Туркистон мусулмонлари, истаймизки, ҳеч бир киши бизнинг дин ва миллатимизга зулм, таҳдид қилмасун ва бизни ҳам бошқаларга таҳдид қилмоққа асло фикр ва ниятимиз йўқ”²- деб ёзади.

Ўтмишга назар солиб, уни ўрганиб, ўз даври ижтимоий ҳаётини таҳлил қилган жадиждлар ўз Ватанининг келажаги тараққиёт лойиҳасини туза

¹ Жадижд – арабчадан олинган бўлиб янги маъносини беради.

² Бехбудий М. Танланган асарлари. -Т.: “Маънавият”, 2009 йил, 13-бет.

билдилар, унинг ривожланиш йўллари режалаштирдилар ва амалга ошириш йўлида курашдилар.

Жадидлар Россиядаги сиёсий жараёнларни диққат билан кузатиб бордилар ва вужудга келаётган рус сиёсий партияларининг дастурларини ўргандилар. Ўша даврдаёқ, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 1906 йил 11 октябрда “Хуршид” рўзномасида чоп этилган мақоласида ўз аксини топган хулосага, яъни бирлашиб ягона мусулмон партияси тузиш ва бутун Россия мусулмонлари иттифоқи таркибига кириш зарурлиги ҳақидаги фикрга келдилар¹.

Жадидларнинг сиёсий қарашларини тасаввур этишда 1913 йилда “Туркистон овози” ва “Голос Туркестана” газеталарида кўтарилган қуйидаги уч масала ҳам диққатни жалб этади:

1. Сибирь темир йўлидан то Афғонистон ва Эронгача бўлган жойда яшаётган бутун ерли халқлар билан руслар орасида ҳуқуқ ва солиқлар соҳасида тенгликни вужудга келтириш;

2. Кўчманчи ҳаёт кечирувчи мусулмонларга қишлоқ ва шаҳарлардан жойлар бўлиб берилганига қадар кўчиб келаётган русларга ер бермаслик;

3. Замонавий маърифатни тарқатиш.²

Ушбу масалаларнинг йўналиши рус давлатининг миллатчилик сиёсатига қарши қаратилганлиги жадидларнинг миллий-озодлик ҳаракатидаги энг аҳамиятли қарашларидир. Шу йўл билан жадидлар мустамлакачилик сиёсатига қарши чиқдилар.

Туркистонда жадидчиликнинг пайдо бўлиши ва ижтимоий ҳаётдаги вазифасини объектив тарзда талқин этиш лозим. Чунки жадидчилик ўз даврининг ижтимоий ҳаётдаги янги позиция ҳаракат ва позитив моҳиятга эга бўлган. Афсуски жадидчилик ҳаракатига нисбатан турли хил муносабатлар билдирилган гоҳида уни пантуркизм, гоҳида панисломизм, гоҳида миллатчилар, гоҳида эса миллий буржуазия маърифатпарварлари сингари кўплаб номлар билан тилга олинган. Жадидларнинг асосий мақсади каби савол ҳар даврда бўлгани каби бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблигига эга бўлиб, бунга биз қуйидаги принципиал аҳамиятга эга бўлган тамойилларни эслатишимиз жоиздир:

- дунёвий илмларни эгаллаш ва ёшларнинг маънавий онгини ошириш;
- ўз вазифасини ўтай олмай қолган таълим тизимига инновацион ғояларни сингдириш;
- ижтимоий ҳаёт тарзини замонавий ҳаётга мослаштириш;
- “инсон капитални” шакллантириш ва ривожлантириш;
- миллий армияни жорий этиш;
- диний ва дунёвий ҳуқуқий, ахлоқий нормаларни инобатга олган ҳолда янги қонунчилик концепциясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- иқтисодий танглиқдан чиқиш йўллари излаш;
- давлат бошқарув тизимини ислоҳ этиш;

¹ Бехбудий М. Танланган асарлари.-Т.: “Маънавият”, 2009 йил, 147-бет.

² “Голос Туркистана” газета. 1913 йил №40-сон.

- худудий тарқокликни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;
- миллий саноат тизимини ривожлантириш;
- жамият ривожланишининг барча соҳалар учун миллий кадрларни тайёрлаш;

- давлатлар билан дипломатик алоқалари ва ташқи сиёсат концепциясини ўрнатиш каби бирқанча масалаларни илгари сурган.

Демак, жадинчилик ҳаракатининг дастлабки даврида халқни маърифатли ва маданиятли қилиш позициясида бўлган бўлса, кейинги босқичларида ижтимоий-сиёсий шароит кўпроқ сиёсий кураш томон буриб юборди. Жадинчиликнинг кейинги босқичлари янгича кўриниш бера бошлади. Маълумки, жадинчиликдаги сиёсий дунёқарашлик ўзгаришлар маҳаллий ёшларнинг Германия ва Туркия каби давлатларга бориб ўқиб келиши натижасида ўзгарди¹. Уларнинг Туркистонга қайтиб келиши жадинчилик таълимотини сиёсий курашга айлантирди ва асосий позициясини мустақиллик учун кураш ва мамлакатни ривожлантиришга қаратилган эди. Ўз мақсадларида бошқарув тизимини ислоҳ қилиш солиқларни камайтириш, деҳқонлар, хунармандлар турмушини енгилаштириш, амалдорлар ўзбошимчилигини чеклашда жадинларнинг аралашувини талаб қила бошлади. Бундай сиёсий талаблар ижтимоий ўзгаришни истаган халққа маъқул келди. Кейинги даврга келиб жадинчилик ҳаракатида бўлиниш содир бўла бошлади. Бу эски тарздаги жадинлар ва янгича кўринишдаги ижтимоий-сиёсий талаблар билан чиққан жадинларга ажралди. Оғир ижтимоий ҳаёт шароитида турли йўллар билан ижтимоий-сиёсий кураш олиб бориб адолат учун астойдил кураш олиб бориш уларнинг асосий мақсадига айланган эди.

Туркистонда вужудга келган жадинчилик таълимотининг мазмун-моҳияти миллий ривожланиш фалсафасига қаратилган. Бундай ривожланиш энг аввало мустақил тафаккурга эга бўлган халқни жипслаштириш позициясига олиб бориши мумкин эди. Бу йўлда ўз даврининг энг илғор вакилларининг саъйи-ҳаракатларида намоён бўлди. Зиёлилар таълим бериш орқали, ижодкорлик туфайли дарсликлар, шеър ва публицистик мақолалари билан халқ онгини оширишга ҳаракат қилдилар. Жадинчилик тафаккур тарзи ўз даврининг ижтимоий-иқтисодий шароити ва сиёсий ҳолати натижасида вужудга келди. Халқ оммаси жадинчилик мафкурасига катта умид билан қаради ва асосий эътиборини таълим-тарбиянинг инновацион йўналишда ислохотлар ўтказиш кераклигини тушуниб етди. Жадинчилик ҳаракати ўз даври учун инновация эди.

Жадинчилик ғоялари XIX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган маърифатпарварликдан ривожланиб сиёсий курашгача бўлган мақсадлар асосида вужудга келди. Бу Самарқанд зиёлиларининг фаолиятларида ҳам кўзга ташланди. Дастлаб мактаб мадрасаларда таълим-тарбияни янги босқичга олиб чиқиш бўлган бўлса унинг ривожини жадинчилик фаолиятини

¹ Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Жадинлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. Давра суҳбати материаллари. Тошкент. 1998 йил, 9 октябрь. 34-бет.

кўзга кўринган намояндаларини ҳам етиштириб берди. XIX аср охири – XX аср бошларидаги маърифатчилик озодлик мафкурасининг бўёғи куюқлиги, рухий кечинмалар, қалб эврилишларидан кўра кўпроқ ижтимоий-сиёсий мазмуни билан алоҳида ажралиб туради. «Узун тартибсизликлар орқасида бузулган, биткан ўлкамизнинг оқибат ўлдиргувчи истибдод идораси остида ижтимоий ва иқтисодий ҳаётимиздаги пастланиш адабиёт тарихимизда очик сезилади. Чунки тарихимизнинг ҳеч бир даврида иқтисодий ва ижтимоий ҳолимиз бу қадар пастланган даври йўқдир»¹ деб таъкилайди Вадуд Махмуд.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Жадидлар таълимотида модернизация ва инновация ғояларининг уйғунлиги”** деб номланган. XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида вужудга келган вазият бутун Туркистон халқи зиёлиларини хусусан жадидларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий қарашларига катта таъсир кўрсатди. Ватанга содиқлик ва унинг мустақиллигини тиклаш ҳис-туйғулари жадидлар етакчилигида жамиятдаги барча табақаларни озодлик курашига чорлади. Жадидлар шароит тақозосига кўра, биринчи навбатда, халқнинг саводини чиқариш, билимини ошириш, миллий ҳис-туйғуларини ва сиёсий онгини ўстириш учун курашдилар. Улар фаолиятининг дастлабки босқичида маърифатпарварлик салмоқли ўринни эгаллади. Аммо, бу уларда сиёсий ғоялар ва мақсадлар йўқ эди дейиш эмас, албатта. Аксинча, уларнинг дунёқарашда сиёсий ғоялар мавжуд эди, лекин уни дарҳол амалга ошириш учун ҳали шароит етилмаган эди. Бу йўлда жамият ҳаёти ва яшаш тарзини замонавий кўринишга олиб чиқиш принципида жамиятни модернизация қилиш орзуси билан ҳаракатланди. Оврупада вужудга келган ўзгаришлар замирида барча соҳалар янги босқичга, яъни модернизациялаш босқичига кўтарилганлиги, жадидларнинг эътиборидан четда қолмади.

Дастлабки кўриниш таълим-тарбиядаги инновацион ёндашув бўлса у кейинчалик давлат бошқарувида ҳам катта ўзгаришлар қилиш керак эканлиги, ижтимоий ҳаётда модернизация зарурлигини намоён қилди. Биз буни самарқандлик жадидларнинг асарларида яққол кўришимиз мумкин. XX асрнинг бошларида 1917 йил февраль инқилобига қадар бўлган биринчи босқичда, миллий-озодлик ҳаракати сифатида “Шўрои-Исломия” ва “Шўрои-Уломо” жамиятлари узил-кесил расмийлашди. Февраль инқилобининг рўй бериши ва чор ҳокимиятининг фалажланиши билан у ўзининг пировард сиёсий мақсади бўлмиш мустақил давлатни барпо этиш ғоясини амалга ошириш учун киришди. Жадидчилик ҳаракатининг ижобий натижалари халқ ичида ғоявий-сиёсий, рўхий-маънавий жиҳатдаги кайфиятни кўчайиб боришига сабаб бўлди. Айнан жадидларни ҳақли равишда мухторият оталари деб аташ мумкин. Ушбу ҳаракат бошдан маърифий-маданий ислохотчилик жамоаси сифатида вужудга келиб, тезда халқни ортидан эргаштириб, ғоявий-сиёсий позицияга эга бўлган жараёнга айланди.

1917 йилда Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида энг муҳим масалаларидан бири бўлган давлатчиликни ташкил этиш жадидларнинг энг

¹ Вадуд Махмуд. Турк шоири Ажзий. //Инқилоб. – 1924. - №11-12.

олий мақсадларидан бирига айланган. Ўша тарихий шарт-шароитларда миллий давлатчиликка эга бўлиш ғояси турли ташкилот ва партияларнинг ўзаро курашида асосий мафкуравий кууролига айланган эди. Жадидларнинг ушбу сиёсий интилишлари Туркистонда федерация асосида миллий-демократик давлатчиликни барпо этишга қаратилган эди.

Умуман олганда, Самарқанд жадидларидан Сиддиқий-Ажзий, Маҳмудхўжа Бехбудий, Хожи Муин, Сайид Ризо Ализода, Вадуд Маҳмуд, Исматулло Раҳматуллаев ва Абдулҳамид Мажидий кабилар эрк, истиклолга эришиш учун миллий онгни ўстиришда инновацион ғоялар зарурлигини пайқадилар. Шу ғоялар орқали миллий уйғониш, яъни жамиятни модернизация қилишга чорладилар.

Самарқандлик илғор зиёлиларнинг таълим, миллий матбуот, нашр соҳаларида олиб борган фаолияти жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшдилар. Самарқанд бу даврда жадидчилик ҳаракатининг йирик марказларидан бирига айланган бўлиб, Туркистонда Чор Россияси мустамлакачилигининг ижтимоий-сиёсий илдизларини қулатишга астойдил ҳаракат қилган. Маҳмудхўжа Бехбудий эътироф этишича, хонликлар 50 йил илгари дунёдан ажралган бўлиб, дунё эришган ютуқлардан фойдалана олмаганлар ва бу миллий давлатчиликнинг йўқотилиши, мустамлакачилик асоратига тушиб қолишнинг сабабларидан бири бўлди, бу эса Туркистон халқларини Европа қонунлари асосида яшашга мажбур қилди. Лекин улар мазкур қонунларни билмайдилар. Ҳуқуқларни билиш, уларни ҳимоя қила олиш учун билимга эга бўлиш лозим.¹ С.Ализода таъкидлаганидек, мактаб сиёсатини тўғри йўлга қўйиш жамият, иқтисод ва маданиятнинг тараққиётига муайян даражада ижобий таъсир кўрсатиши аниқдир. “Аmmo биз Туркистон мусулмонлари, - деб ёзган эди С.Ализода, - наинки жадида мактаб ва мадраса очаяпмиз, балки ҳанузгача, уларни бидъат ва ҳаром санаяпмиз. Билмайман, биз Туркистон мусулмонларига нима бўлган? Эй, туркистонлик биродарлар! Эй, юртдошлар! Ғафлат қачонгача! Жаҳолат қанчалик...?”² дея, бонг ўрган эди.

Мустамлакачилик сиёсатига кўра Туркистондаги деҳқонлар ихтиёридаги ҳосилдор ерларни тортиб олиб, уларни рус муҳожирларига бериш большевистик мустамлака сиёсатида муҳим ўрин тутган. Шу ўринда жадид Вадуд Маҳмуднинг фикрлари эътиборга моликдир. У рус мужикларни кўчириб келтириш сабаблари ва оқибатлари тўғрисида қуйидаги фикрларни билдирган: «Ўрис жаҳонгирлиги вақтида Туркистон генерал-губернаторлиги ёнида кўчириш маҳкамаси (переселоческое управление) деган идора бўлар эдиким, унинг бу вазифаси Туркистоннинг доим ўрслар қўлида қолишини таъмин этмак эди. Шу мақсад биландирким, Туркистоннинг ҳар шаҳрида, энг маҳсулдор ерларида ўрис қишлоқлари қурилди»³. “Биз Туркистонликларга, -

¹ Қаранг: Жадидчилик ҳаракати ва унинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти ва уларнинг давлатчиликка оид қарашлари. // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Т., «Шарқ». 2001. 150-бет.

² Қаранг: Фарҳод Ализода. Сайид Ризо Ализода. Тарихий - библиографик очерк. Тошкент. “Абу Матбуот Консалт” нашриёт, 2011. 38-бет.

³ Вадуд Маҳмуд. Мустамлакачилик ўз йўлида. //Зарафшон газетаси. 1924. 3 сентябр. Маҳмуд Вадуд. Танланган асарлар Вадуд Маҳмуд; Нашрга тайёрловчи, сўз боши, луғат ва изоҳлар муаллифи Каримов Б. –

деб ёзади Бехбудий, - икки синф кишилари лозумдирким ва бу икки синф кишиларисиз бизни диний ва дунёвий илмларимиз, миллат ва қавмиятимиз, маиший эҳтиёжимиз хароб бўлиб, кундан-кун бегона миллатларнинг забуни ва маҳкуми бўлурмиз...” - дейди. Махмудхўжа Бехбудий мустақилликнинг курашсиз қўлга киритилмаслигига имони комил бўлса-да, лекин у мустамлакачиларга қарши қон тўкишларсиз кураш тарафдори эди. У ҳар қандай кўринишдаги инқилобларга қарши бўлган Россия Думаси ишини мунтазам равишда кузатиб борган. Бехбудий парламент орқали кўп нарсаларга эришиш мумкин, деб ҳисоблади. Шунингдек, Бехбудий миллат ўзини англагандагина ижтимоий-сиёсий масалаларга бошқалар билан тенглаша олади, деган фикрни илгари суриб, миллат тарихига алоҳида эътибор берди. Самарқанд жадиidlари орасида ватан, халқ озодлиги масалаларини теран англаб етган ва уни ўз ижодида асосий мавзулар сирасига киритган Ҳожи Муин ўз эътиборини шу даврнинг долзарб ижтимоий масалаларига қаратди ва ўзининг бадий асарларида замонасининг долзарб ижтимоий муаммоларини ёритишга ва уларнинг ечимини топишга ҳаракат қилган. Шунингдек, ўз таклиф ва тавсияларини ҳам келтириб ўтган. Юрт равнақи учун бугунги ижтимоий ҳаётимизни янгиламоғимиз (яъни модернизациялаш-Х.А.) лозимлигини ўз қарашларида қўйидагича таърифлайди. “Халқнинг олдин бориши, юртнинг тинчланмоғи ва кучли бўлмоғи маориф, аскарлик, иқтисод ва деҳқончилик ишларининг тузук бири-бирига қўйилиши билан бўладурким, маалтаассуф, бу тўғриларда ҳануз халқ учун фойдали ва кўзга кўринурлик ишлар қилинғон эмас.¹ Бу сўзлардан маълумки, у ижтимоий соҳаларда илғор-инновацион ғояларни жорий этиш лозимлигини қатъий таъкидлайди. Жаид Ҳожи Муиннинг сиёсий қарашларида алоҳида ажралиб турган томон шундаки, у жамиятни барча соҳаларида модернизация қилиш лозимлигини ўз фикрларида қатъийлик билан кўрсатиб беришга ҳаракат қилди. Масалан, давлатнинг энг асосий буғини бўлган ҳимоя тизимини инновацион кўринишда ёш аскарларни энг кучли армияга айланиши бу долзарб масалалардан бўлганлигини алоҳида таъкидлайди ва “Аскарлик жиҳатдан ҳолимиз ёмондир. Ҳолбуки, юртни сақламоқ ва халқнинг тинчлигини тайин этмак учун аскар керакдир. Туркистоннинг ерли аҳолисидан аскар олмоқ учун марказда яхши қарорлар чиқарилғон ва бултур аскар олина бошлағон бўлса-да, бу ишдан ҳануз яхши бир натижа кўра олғонимиз йўқ”² деб муносабат билдирган.

Инсон таълим жараёнининг субъекти сифатида, таълимни мажбурият сифатида эмас, ҳақиқий қадрият сифатида қабул қилса, таълимни барча соҳаларида ривожланиш бўлади. “Ҳар миллатнинг уламиси, аҳли қалами, мутафаккирлари ўз миллатининг ояндаси учун йўл кўрсатур, машварат берур, миллат ахлоқининг ислоҳи учун масжидларда панд ва насихат берур, мактаб ва мадрасаларда дунё ва охиратда керак илм ва фан, таълим берарлар,

Т.: Маънавият. 2007. – 105 б.

¹ Ҳожи Муин. Танланган асарлар. Тошкент, Маънавият. 2010 йил, 109-110бетлар.

² Ҳожи Муин. Сўз, қарор ва иш. Маҳнаткашлар товуши, газетаси, 1921 йил, 26 май.

